

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 11 апрель, Чоршанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (10.878)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Кеска сатрларда

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Совпластитал» қўшма корхонасида Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорининг моҳияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

● **КЕЧА** Ҳамза темир йўл касб-хунар коллежида Ҳамза туманидаги коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақалари ўтказилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Оқтепа» маҳалласида уюштирилган «Абдулла Қаҳҳор — сўз зарғари» мавзусидаги тadbирда маҳалла фаоллари, ёшлари, 274-мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** менежмент технологиялари касб-хунар коллежида ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида «Очиқ эшиклар кунни» тadbiri ўтказилди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тadbир буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси ташаббуси билан Сергели туманида яшовчи мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган отланган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси ИИВ Транспорт ички ишлар бошқармаси бунёдкорлар томонидан бунёд этилган янги бинода фаолият бошлади.

● **КЕЧА** Шайхонтохур туманидаги 3- мусиқа мактабида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тadbир буюк Абдулҳамид Муталовнинг ижодий фаолиятига бағишланди.

● **КЕЧА** футболимиз мутасаддилари, мутахассислари, мураббийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида уюштирилган матбуот анжумани БУГУН «Пахтакор» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» жамоалари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионлар лигаси баҳсига кўрилган тайёргарлик масаласига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан)



Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ


ИНСОНГА БЕРИЛГАН БАРЧА НЕЪМАТЛАР, ЖУМЛАДАН БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ БЎЛГАН САЛОМАТЛИГИМИЗНИ АСРАШ ЙЎЛИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДАГИ ЯНГИЛИНИШЛАР, УЛКАН ЮТУҚЛАР БАРЧАМИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ АЛБАТТА. АЙНИҚСА БУ ЁРУФ ОЛАМНИ КЎРИШ БАХТИГА САЗОВОР ЭКАНЛИГИМИЗДАН, КЎЗЛАРИМИЗ МУНАВВАРЛИГИДАН ШУКРОНАЛАР АЙТИШИМИЗ КЕРАК.

Кўзларимизнинг янада равшан кўришида шифокор офтальмологларнинг хиссаси бекиёсидир. Кунни кеча Учтепа туманида Республика ихтисослашган кўз микрохирургия марказининг очилиши халқ саломатлигини сақлашга қаратилган ғамхўрлик ва эътиборнинг яққол ифодаси бўлди. Марказнинг очилиш маросимида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиғи вакиллари, тиббиёт институтларининг ректорлари, ихтисослашган илмий тadbирот марказларининг директорлари, республикаимиздаги етакчи офтальмолог мутахассислар, вилоят офтальмологлари иштирок этишди.

Тadbирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнининг иккинчи босқичида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, айниса даволаш самарадорлигини ошириш ва шу каби ихтисослашган марказлар ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилганлигини таъкидлашди.

Шуни айтиш кераки, Республика ихтисослашган кўз микрохирургия маркази Тошкент вилояти кўз микрохирургияси маркази негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 февралдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичига кўра республикаимиз аҳолисига кўз касалликлари микрохирургия-

нинг 2003 йил 20 февралдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичига кўра республикаимиз аҳолисига кўз касалликлари микрохирургия-



си бўйича кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, республикаимизда офтальмология тиббий муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

— Республика ихтисослашган кўз микро-

хирургия маркази малакали тиббий ходимлар билан таъминланган, — дейди мазкур марказ раҳбари Зафар Сиддиқов. — Марказда 128 нафар тиббий ходим, уларнинг 30 нафари олий тоифали шифокорлар, 1 нафари тиббиёт фанлари доктори, 3 нафари тиббиёт фанлари номзоди, 98 нафари ўрта тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатади. Марказни ташкил этишдан мақсад — биринчи навбатда республикаимиз аҳолисига кўз микрохирургияси бўйича кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилаш, марказнинг моддий-техника базасини энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш орқали кўз микрохирургиясини жаҳон андозаларига мослаштириш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини сифатли ва самарали тиббий хизмат турларини жорий этиш орқали қондиришга эришишдир. Бундай эзгу мақсадларни амалга ошириш учун хомийлик йўли билан замонавий тиббий асбоб-ускуналар, жумладан, лазер ускунаси, факомулсификатор, компьютер, контактсиз тонометр каби ускуналар келтирилди.

Дарҳақиқат, мазкур марказ ва унда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг эзгу мақсадлари халқ саломатлигини сақлашда энг эзгу мақсадларга қаратилганлигини кўриб бениҳоя мамнун бўлаемиз албатта.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Республика ихтисослашган кўз микрохирургия марказида ана шундай замонавий шарт-шароитлар яратилган.

Козим Улмасов олган суратлар

ВАРШАВАДА ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ВАРШАВАДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОЛЬША ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛГАННИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тadbирда Польшанинг сиёсий, ижтимоий ва ишбилармон доиралари вакиллари, шунингдек, ушбу мамлакат олий ўқув юртида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этиди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тарихи, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни рўйбга чиқариш, шунингдек, суд-хуқуқ соҳасини либераллаштириш борасида эришган муваффақиятлари хақидаги атрафлича маълумотлар кеча катнашчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон дипломатия ваколатхонаси меҳмонлари халқимизнинг суюкли баҳор байрами — Наврўзи олам тарихи билан ҳам танишдилар. Ушбу байрам билан боғлиқ урф-одат ва аъаналаримиз кеча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Польша маданият ва спорт вазирининг маслaxатчиси М.Бигошевский ўзбек халқи-

нинг миллий аъаналари, маънавий ва маънавий қадриятларини тиклаш ҳамда авайлаб-асраш зосидан мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрилатган чора-тadbирларни юқори баҳолади.

«Абланалп» компаниясининг раҳбари Е.Хенке ўз компанияси ўзбекистонлик шенриклар билан узоқ йиллардан бўён ўзаро алоқада бўлиб, Ўзбекистон бозорига самарали фаолият олиб бораётганини қайд этди.

— Шу давр мобайнида мамлакат раҳбарияти чет эллик бизнесменлар билан алоқаларни, яъни шериклик муносабатларини ривожлантиришга устувор аҳамият бераётганига амин бўлдим, — деди у. — Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилгани ва улар ўзининг ижобий самараларини бераётганини кўриб турибмиз.

«Жаҳон» АА
Варшава

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Жиззах вилояти ҳокимлигида Миллий истиклол ғояси тарғиботи ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● Наманганда мамлакат Қуролли Қучлари сафарига баҳорги қақирмоқ бўйича мuddатли хизматга йўл олган ёшларнинг дастлабки гуруҳини кузатишга бағишланган тантанали маросим уюштирилди.

● Бухорода инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбек-япон марказининг бўлими очилди. У Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш учун кадрлар тайёрлаш, шунингдек, ҳар иккала мамлакат ўртасида ахборот, маданият, тил ўрганиш орқали дўстона алоқаларни тараққий эттиришга кўмаклашади.

● Наврўз байрами кунларида Навоий Давлат тоғ институти қошидаги 2-академик лицейнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Навоийдаги «10- қурилиш монтаж бошқармаси» акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган замонавий бинодан кенг ва ёруғ синфлар, тиббиёт пункти, компьютер ва лингафон хоналари, лаборатория, ошхона ва спорт зали ўрин олган.

● Сирдарё вилояти Адлия бошқармасининг ташаббуси билан Боёвутда «Оила муқаддас» мавзусида семинар ташкил этилди. Оилавий муносабатлар, никоҳларнинг қонунийлигини таъминлаш, соғлом оилалар барпо этилишига эътибор қаратиш, фарзандлар тарбияси мазкур семинарнинг асосий мавзуси бўлди.

● Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган «Навқирон Самарқандга таъзим» республика кўрик-фестивалининг Навоий вилоят босқичи якунланди. Унда фольклор-этнографик ансамбллар, бадий ҳавасорлик жамоалари ва кўғирчоқ театрлари иштирок этди.

● Қашқадарё вилоят Ахборот-кутубхона марказида гиёванд моддаларнинг зарари мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида гиёванд моддалар қабул қилишга барҳам бериш орқали ОИТСга чалинишни қисқартиришга эришиш хусусида сўз юритилди.

● «Андижон полимер», «Хўжабод тикув-трикотаж» масъулияти чекланган жамиятлари ишлаб чиқариш цехларига янги, замонавий технологиялар ўрнатилди. Бу ишлаб чиқаришни кескин ошириш билан бирга 50 та янги иш ўрни яратилишига ҳам имкон турдирди.

ЖАҲОНДА

● Австралия Афғонистондаги ҳарбий контингентини бир йил ичида 2 бараварга кўпайтиришни режалаштирмоқда. Мамлакат бош вазир Жон Хауарднинг таъкидлашча, ҳукумат шу йўл билан Толибон жангариларига қарши курашни авж олдиришмоқчи. Бугунги кунда Афғонистонда 550 нафар австралиялик ҳарбийлар НАТО қучларига ёрдам бермоқда.

● Франциянинг Дампьер шаҳрида жойлашган атом электрстанциясида фалокат рўй берди. АЭСнинг учинчи блокидаги электр тармоғи реактори ногаҳон ишламай қолди. «Electrociti de France» компаниясининг ядровий хавфсизлик бошқармаси вакилининг билдиришча, автоматик ҳолда ишлаётган механизм блок фаолиятини зудлик билан тўхтатган. Ҳозирда бунинг сабаблари аниқланмоқда.

● Кеча Марокаш маркази Касабланка шаҳрида амалга оширилган махсус операция чоғида террорчилар камарини боғлаган ва ўзининг қабих ниятини амалга оширмоқчи бўлган учта камикадзе ўзини ўзи портлатиб юборди.

● Португалия Президенти мамлакатда абортларга рухсат бериш тўғрисидаги қонунга имзо чекди. Бундан бирмунча мuddат олдин мамлакат парламенти ҳам ушбу қонунни тасдиқлаган эди.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши кеча ёпиқ эшиклар ортида Грузия- Абхазия муаммосини муҳокама қилишга киришди. Унда Грузия Бош вазир Зираб Ногаидели ва Абхазия вакиллари иштирок этмоқда.

● Шимолий Кореянинг «Banca Delta Asia» банкидаги ҳисоб рақами музлатилганидан сўнг расмий Пхеньян МАГАТЭ инспекторларининг мамлакатга киришига тайёр эканлигини билдирди. Бу ҳақда АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси журналистларга маълум қилди.

● Американинг Forbes журнали 2006 йилда нуфузли русумдаги энг кўп сотилган автомобилларнинг рўйхатини эълон қилди. Рўйхатга кўра сотувлар бўйича биринчи ўринга BMW 3-Series автомобили қикди. Унинг ҳар хил турларини ўтган йили 107 мингдан ортиқ автомобиль ишқибози харид қилган.

● Грециянинг Кефалиния оролида ишлаётган археологик экспедиция Рим даврига оид қадимий қабрни топишга муваффақ бўлди. Ушбу қабр ҳозирга қадар қароқчилар ва бойлик иштиқандларнинг назаридан четда қолиб келаётганлиги сабабли ундан барг шаклидаги соф олтин тақинчоқлар, зирак ва узуклар, тангалар, сопол идишлар ва бронзадан ясалган қулф топилган.

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ:

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ПАРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯСНИНГ УЧИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Фаниев раҳбарлигидаги мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари билан делегацияси ҳамда Франциянинг иқтисодиёт, молия ва саноат вазириликлари, ушбу мамлакат фирма ва компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди, жумладан, Франциялик ҳамкорлар эътиборига юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, чет эл компаниялари учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар хусусида батафсил маълумот берилди.

лимаган имкониятлар кўп эканлигини таъкидлаган ҳолда мазкур йўналишдаги шерикликни ривожлантиришга келишиб олди.

Файрат ШУКУРОВ, «Жаҳон» АА мухбири Париж.

Фландрияда ҳам Ўзбекистонни яхши билишди

БЕЛЬГИЯДАГИ «DAVIDSFONDS» МАДАНИЯТ ЖАМГАРМАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ УШБУ ҲАМКАРЛИҚДА СТАДЕН ШАҲРИДА «ФЛАМАНДЛИК РЮЙСБРУК ЎЗБЕКИСТОН ОРКАЛИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИНИ ЎТҚАЗДИ.

Қарийб 55 минг нафар оилани ўз бағрига олган Фландрия минтақасида жаҳоннинг турли халқлари маданиятини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш — «Davidsfonds» жамғармаси вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадбирда сўзга чиққан жамғарма вакили Жозеф Деклерк тақдимот иштирокчиларини фламанд сайёҳи, монах Вильгельм де Рюйсбрукнинг (1215-1293) фаолияти ҳамда унинг Европа жамоатчилигини Буюк Ипак йўли кесиб ўтган мамлакатлар халқлари маданияти, урф-одати ва анъаналари билан таништиришга қўшган хиссаси ҳақида атрофлича тўхтади.

Фаластинга отланади, Константинополь, Крим ва Дон чўлларида ўтиб, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон орқали Марказий Монғолияга боради. Унинг ҳисоботида Фламанд сайёҳи бўлган давлатларнинг тарихи, этнографияси ва географиясига оид маълумотлар асосида «Вильгельм де Рюйсбрукнинг Шарк мамлакатларига шаъхати» номли китоб нашр этилган.

Тақдимот меҳмонлари Ўзбекистон халқининг тарихи, маданияти ва анъаналари, шунингдек, республиканнинг замонавий ҳаёти, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан батафсил танишдилар.

Тақдимот доирасида Ўзбекистон ҳақида фильм ҳамда «Friends» хаваскорлик ансамбли ёш санъаткорлари томонидан мамлакатимиз турли минтақаларига хос миллий рақслардан иборат маданий дастур ҳам намойиш этилди.

А.МУҲАММАДЖОНОВ, «Жаҳон» АА мухбири Брюссель

Ёшлар — келажагимиз

«ИСТЕЪДОД» ИҚТИДОРИЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИЛИ, МУСТАҚИЛЛИК Пойдевори тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Миллий гуруҳимиз, иззат-обруйимиз тикланди. Қадриятларимиз, маънавий меросимиздан баҳрамад бўлмоқдамиз. Айни пайтда эса ана шундай жамиятга муносиб, ҳозирги замон талабларига ҳар тарафлама жавоб берадиган, ватанпарвар, юксак маънавиятли, фидойи ёшлар етакчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш долзарб вазифаларимиздан биридир.

Жамшид Низомовга мурожаат қилдик.

— Жамшид Мирзааҳмедович, ўқув жараёни қандай кечаётганлиги ҳақида бир оз маълумот берсангиз.

— Талабалар ўқув курсига, дарсларга катта қизиқиш ва эътибор билан қарашмоқда. Бунга сабаб — лойиҳа талабаларнинг ўз ташаббуслари билан ташкил этилганлиги ҳамда дарсларнинг жуда қизиқarli олиб борилаётганлигидир.

— Бу курснинг энг ахамиятли томони нимада деб ўйлайсиз?

Аскар ИМОНХУЖАЕВ

Семинарлар

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

нинг, аҳолининг ҳаёти, соғлиги, мол-мулки, аτροφ-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулотларнинг ўзаро алмашувчанлиги ҳамда бири-бирига мос келишини таъминлаш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг техник кўрсаткичларини яхшилаш, илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш, истеъмолчиларни ўзимизда тайёрланаётган товарлар тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли ахборот билан ўлчовларнинг ягона бирлиги бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси раҳбарлари, «Узстандарт» агентлиги ахборот-маълумот марказининг етакчи мутахассиси ҳам сўзга чиқиб, юқорида келтирилган қонунларнинг ижросини таъминлашда нималарга эътибор қаратилиши лозимлиги юзасидан атрофлича тунуштириш берилди.

Эътиборли томони, йиғилиш давомида қатнашчилар томонидан савол-жавоб, мулоқотларда фаоллик, самимийлик муҳити яққол сезилиб турди. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан қониқarli жавоблар олишди. Қонунлар ижросини таъминлаш хусусида ўқув-семинар давомида қатор амалий тақлифлар киритилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА», «МЕТРОЛОГИЯ ТЎҒРИСИДА», «МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА», «ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚОНУНЛАРГА ИСОЯ ҚИЛИНИШИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING «МАҲСУЛОТЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ТИЗИМИНИ ОЛИБ БОРИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚАРОРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСКАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛДИ.

Мазкур тадбирни Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси ҳамкорликда ташкил этиб, унда юқоридаги ташкилотлар раҳбарлари, етакчи мутахассислар ва шахримиздаги эллика яқин кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорлар қатнашдилар. Шунингдек, унда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг туманлар комиссия-

си негиздаги жамоатчилик кенгашлари раҳбарлари, давлат корхоналарининг раҳбарлари ҳам иштирок этишди.

Ўқув-семинарни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Холида Бобоқонова жумладан шундай деди:

— Кейинги йилларда юртимиз иқтисодий ривожлантириш мақсадида эълон қилинаётган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш асосий вазифамиз ҳисобланади. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматлар-

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ТАДБИР

КУНИ КЕЧА ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИДА «ЁШЛАР ОНГИГА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТИМИЗ АСОСЛАРИНИ СИНГДИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРНИ РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ, РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ҲАМДА МАЗКУР ИНСТИТУТ ҲАМКОРЛИҚДА ЎТҚАЗДИЛАР.

Тадбирни Олий ҳарбий божхона институти бошлиғи вазифини бажарувчи, божхона хизмати генерал-майори Собит Алимбаев кириш сўзи билан очар экан, жумладан институт фаолияти ва бу ерда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларга ҳам қисқача тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки олий ҳарбий божхона институти замонавий моддий-техника базасига эга, ноёб асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Институтда 10 та кафедра, бир неча компьютер синфи, криминалистик лаборатория, ўқув синфлари, кутубхона ва спорт иншоотлари фаолият юритмоқда. Талабалар онгига миллий ғоя, маънавий қадриятларимиз асосини сингдириш мақсадида тез-тез маърифий кечалар, турли хил учрашувлар ўтказиб турилади.

Ёшлар билан учрашувда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов ёшларимизни маънавий қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялаш масалалари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим бошлиғи Муҳаммад Назар «Миллий маънавият ва исломий қадриятлар» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Шунингдек, тадбир доирасида миллий ғоя тарғиботи, ёшларни Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш хусусида атрофлича сўз юритилди.

Институт тингловчилари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ ва батафсил жавоблар олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Бир неча фестивалларни ўз ичига қамраб олган мазкур лойиҳа Тошкент шаҳрининг барча туманларида ўтказилиб, жумладан, «Урф-одат ва ёшлар», «Миллий қадриятларни тиклаймиз», «Миллий халқ кўшиқ ва ўйинлари», «Ижтимоий ҳимоя — менинг бурчим», «Сумалак — етти малак», «Миллий курашлар», «Варрақлар сайли» ва бошқа йўналишлардан иборатдир. Лойиҳа

Янги лойиҳалар

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ВА ЁШЛАР

ЁШЛАРНИНГ ҚАЛБИДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗГА МЕҲР-МУҲАБАТ ТУЙҒУЛАРИНИ ЯНАДА ҚЎЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ЁШЛАР» ЛОЙИҲАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

доирасида миллий баҳорий таомлар кўриги ҳам ўтказилмоқда. «Ассалом, Наврўзи олам!», «Хар кунинг Наврўз бўлсин» каби деворий газеталар танлови, жойларда тузилган ёш ансамблларнинг бадиий чиқишлари, «Зулфияxonим кизи бўламан» мавзуидаги ёш шоирларнинг ғазалқонли давралари, буюк аждодларимиз А.Навойи, Огаҳий, А.Темур, Н.Қубро ва бошқа буюк сиймоларни кўрсатувчи кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Аския, кулгу ва айтишувлар баҳси ҳам лойиҳадан ўрин олган.

Қўпбал миллий урф-одат, анъана ва ўйинларимизни қамраб олган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивали куни кеча «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими

Кенгашида ҳам бўлиб ўтди. Унда туман сардорлари ва етакчилари, Кенгаш аъзолари, олий таълим муассасалари етакчилари, ҳаракатнинг фаол аъзолари иштирок этдилар.

— Бу лойиҳа ёшларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш билан бирга, уларни табиат билан уйғун яшашига, ўзаро дўстлик, ҳамжихатликни мустаҳкамлаб, меҳр-оқибатни қучайтиришга хизмат қилади, — дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Азимжон Мирзажонов.

Азиза МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивалидан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар

Иқтисодиёт

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

СИФАТЛИ ҲАМДА РАҚОБАТБАРДОШ НАСОС ВА ЭЛЕКТР МАШИНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЗАВОД СИФАТИДА НАФАҚАТ ЮРТИМИЗДА, БАЛКИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ НУФУЗЛИ КОРХОНАЛАРДАН ҲИСОБЛАНГАН «СУВМАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА.

Салкам 40 йилдан буён фаолият юритаётган мажмуа саноат корхонаси 2001 йилдан очик акциядорлик жамиятига айлантирилди. 370 нафар тажрибали, касбига алоҳида меҳр қўйган жамоа ахлининг қўллаг маҳсулотлари халқаро кўрик-танловларда қатнашиб, совриндор бўлган, Халқаро Платина юлдузини қўлга киритган.

Ушбу жамиятнинг механика-йиғув, асбобсозлик, бостирма насослар ишлаб чиқариш, қуов цехларида иш суръати юқори. Жамоанинг харидоригар бўлган ЭЦВ, Д, ГЦ, СНП, А 50, А 40, ГО русумидаги насослар тайёрлаётгани ҳамда 3000 киловатт қувватга эга бўлган электр двигателларини сифатли таъмирлаб бераётгани эътиборга лойик. Жумладан, насос ҳамда электр машиналарга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилаётганлиги корхона тадбиркорларининг замон билан ҳамқадамлигидан ёрқин далолат ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиқиб фаолият юритаётган корхона аҳли бу ютуқларга ўз-ўзидан эришаётгани йўқ, албатта. Корхона цехларининг модернизация қилиниши, замонавий дастгоҳ ва ускуналар келтирилиб ўрнатилиши, ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилиб, марокли ҳордик чиқаришлари учун раҳбарият томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар муваффақиятлар омили бўлмоқда.

ЎЗ ЎРНИ БОР

ҲАР БИР ҲУНАРНИНГ ЎЗИГА ЯРАША СИРСИНОАТИ, УНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАШНИНГ ЭСА МАШАҚАТЛИ ЙЎЛИ МАВЖУД. БУ ЙЎЛДА ИНСОНГА КАСБ МАҲОРАТИ, САБР-ҚАНОАТ ҲАМДА ИБДИИЙ ЭЗЛАНИШ АСОСИЙ ВОСИТА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Мирзо Уллубек туманида фаолият юритаётган ҳунарманд усталар орасида Ирода Норматова-нинг ўз ўрни бор. Момоларимиздан мерос қолган нозик, гўзал ҳунар — каштачиликда у ўзига хос ютуқларга эришди. Унинг 30 турга яқин қалб кўрини қўшиб тиккан маҳсулотлари бир-биридан чиroyли ҳамда кўрган кўзларни қувнатди. Маҳаллий матоларимиз бўлган бўз, адрас, сатинлардан унумли фойдаланиб тайёрлаётган устанинг ҳар бир маҳсулоти — жойнамоз, палак, сўзана, ёстиқ, жилд, сумкача, ҳамён, замонавий аксессуарларда миллий қадриятларимиз ўз ифодасини топганлигига тан берасиз.

Эътиборли томони, Ирода Норматова бу соҳада эндигина 4 йилдан буён иш юритаётганига қарамай, унинг каштачилик маҳсулотларига ҳорихиллар ҳам талабгор бўлмоқда ҳамда уста 15 нафар қиз-жувонларга ўз ҳунарининг сир-асрорларини ўргатмоқда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Тиббиёт

«СУПРОМЕД» — ЎН ЁШДА

БУГУНГИ КУНДА «СУПРОМЕД» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЙИРИК ТИББИЙ КОРХОНАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНДИ. УШБА ФИРМА МАНА ЎН ЙИЛДИРКИ, РЕСПУБЛИКАМИЗ БОЗОРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА.

Шу ўтган ўн йил ичида «Супромед» тиббий асбоб-ускуналар ҳамда аппаратлардан бир неча турини ишлаб чиқаришга эришди. «Покиза» деб номланган қурилмадан ҳам тиббиёт муассасаларида кенг фойдаланилмоқда. «Стимул» электростимулятор сифатида эътибор топди. «УЗТ-1» терапевтик муолажаларда ультратовуш аппарати янглиғ қўлланилмоқда.

ЖОНКУЯР ШИФОКОРЛАР

ШАҲРИМИЗ ТРАНСПОРТЧИЛАРИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН БУ ДАРГОҲ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА АҲД ҚИЛГАН. ЧИНДАН ҲАМ «ТОШШАХАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИГА ҚАРАШЛИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ҚИСМИ «ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАСТУРИ БЎЙИЧА ҚАТОР ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КИРИШДИ.

Транспортчилар саломатлигига бўлган ғамхўрлик ва эътибор шиори остида меҳнат қилаётган шифокорлар орасида Дилфуза Аҳмедова, Ольга Бурова, Доно Салимова каби моҳир врачлар ҳам бор.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастури бўйича шифохонада «Саломатлик бурчаги», «Энг яхши муолажалар» хонаси ҳам ташкил этилди.

ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

ТАЛАБА ЁШЛАР СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИДАН КЎЗ-ҚУЛОҚ БЎЛИБ ТУРГАН МАЗКУР ПОЛИКЛИНИКА ПОЙТАХТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ШИФОКОРЛАРИ ОРАСИДА ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛМОҚДА.

Тошкент Давлат аграр университети поликлиникаси хизматидан шу ҳудуд яқинида яшаётган аҳоли ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Поликлиника ҳузурида «Савол-жавоб» бурчаги ҳам фаолият кўрсата бошлади. «Физиотерапия— дардга малҳам» деган мавзуда ўтказилган давра суҳбати кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Ақбар АЛИЕВ

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

МАЪЛУМКИ, ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ 3-КЛИНИКАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2005 ЙИЛ 19 ИЮЛДАГИ ФАРМОНИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING 2005 ЙИЛ 29 ИЮЛДАГИ ҚАРОРИ АСОСИДА СОБИҚ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ БИРИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ КЛИНИКАСИ БАЗАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. МАЗКУР ДАРГОҲ АКАДЕМИЯГА АЙЛАНТИРИЛГАНДАН СЎНГ СОҲАДА ҚАНДАЙ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ? БИЗГА АНА ШУ ҲАҚДА КЛИНИКА БОШ ШИФОКОРИ, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ДОЦЕНТ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ШИФОКОР МУРОД ҚОДИРОВ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ.




— Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан ҳукумати-миз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Утган вақт мобайнида эса соҳани янада ривожлантириш ва аҳоли-

тиббий фанлари номзодлари ва доцентлар меҳнат қилаётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бунинг натижасида клиникамиз нафақат Тошкент шаҳрида, балки республика-мизда ҳам етакчи шифохоналардан би-

уларнинг моддий-техника базасини янада яхшилаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол, утган икки йилда клиника учун 380 миллион сўмлик замонавий тиббий ускуналари харид қилинди.

Тиббиёт масканларида

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА



рига айланди. Айни пайтда клиника-мизда 406 та стационар ўрин мавжуд. Шундан 100 таси ҳўжалик ҳисобида, ўнтаси эса кундузги стационар сифатида фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, ҳўжалик ҳисобида фаолият кўрсатаётган бўлимларимиз беморларга 2005 йилда 378,2 миллион сўм атрофида тиббий хизмат кўрсатган бўлса, бу кўрсаткични ўтган йили 500 миллион сўмга етказишга эришилди. Топилган ана шу маблағларнинг асосий қисми ёрдамчи хизматлар кўрсатувчи бўлимлар ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидлаш ўринлики, - дея суҳбатимизга қўшилди тиббиёт фанлари номзоди, доцент, клиниканинг дово-лаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Еркин Йўлдошев, — биз беморларга биргина тиббий хизмат кўрсатиш билан чекланиб қолганимиз йўқ, балки Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, айрим бўлимларни жорий таъмирлаш,

тилган болалар диспансеризациядан ўтказилди ва 60 та пластик операция қилинди. Республика кўзи ожизлар жамиятига офтальмологик ёрдам кўрсатиш бўйича 250 та консултация (маслаҳат) берилди ва 30 та операция бажарилди.

Хуллас, шифохона раҳбарияти билан Тиббиёт академиясининг бугунги фаолияти ва эртанги кўнда амалга оширилажак ишлари тўғрисида суҳбатлашарканмиз, эришилган ютуқлар билан биргаликда ечимини кутаётган ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам таламга эканлигига амин бўлдик. Аммо шунинг билан айтиш мумкинки, етуқ кадрлар салоҳиятига эга бўлган жамоа мавжуд муаммоларни ҳамжihatлида ҳал этади.

Усмон УСМОНОВ

СУРАТЛАРДА: Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-клиникаси фаолиятдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар

КАСБГА САДОҚАТ

БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ ЭНГ МАШАҚҚАТЛИ ВА АЙНИ ДАМДА МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИ БЎЛГАН ШИФОКОРЛАРИНИНГ КАСБГА САДОҚАТИ ВА МЕҲРИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ЗЕРО ШИФОКОР ҚЎЛИДА ИНСОН ТАҚДИРИ, САЛОМАТЛИГИ ТУРАДИ.

Маълумки, бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалган касалликлардан бири қандли диабетдир. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу касаллик билан оғриган беморлар оз эмас. Бундай беморлар ҳаммиса шифокор назоратида бўлишлари зарур.

Кувонарлиси шундаки, республика Эндокринология илмий-текшириш институти қошида 2000 йилдан буён «Диабет тўпиги» махсус жаррохлик хизмати кўрсатиш бўлими фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу шифохонада ўз дардига шифо топаётган беморлар кўпчилигини ташкил этади. Энг муҳими, мазкур бўлимда ўз касбига меҳр қўйган, тажрибали ва фидойий шифокорлар туну кун беморлар дардига малҳам бўлиб, уларнинг тахсини дуоларини олишмоқда. Айниқса бўлим раҳбари, тажрибали шифокор тиббиёт фанлари номзоди Тельман Камаловни бу ерда даво топган беморлар қўли энгил шифокор дейишди. Дарҳақиқат Т.Камалов ўз ишининг ҳақиқий билимдони, ўз касбига меҳр қўйган шифокор. Унинг шу даражага етиши ўз-ўзиндан бўлгани йўқ албатта. Тельман Камалов ўз оруз максадлари сари интилиб, кўп ўқиб, изланди. Чунки шифокорлик касбини шунчаки ўқиб эгаллаб бўлмайди. Бунинг учун кўп изла-ниш, ўрганиш зарур. Шу боис у олий ўқув юртини тамомла-гач, илмий иш билан шуғулланишга киришди. Изланиш-лари самараси ўларок бўлажак олим 1997 йили тиббиёт

фанлари доктори, профессор Н.Кротов раҳбарлигида ном-зодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Сўнгра профессор Б.Бобожоновдан касб сирларини ўрганиб, малакасини ошир-ди. Ёш мутахассиснинг қисқа вақт ичида илмий йўналиши бўйича 25 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари эълон қилинди. Франция, Миср, Голландия, Россия, Африка каби мамлакатларда ўтказилган халқаро конференцияларда ил-мий тезислари билан фаол иштирок этди.

— «Диабет тўпиги» махсус жаррохлик хизмати кўрсатиш бўлими Республика Эндокринология илмий-текшириш ин-ститути директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саид Исмоиловнинг раҳбарлигида ташкил этилган. Утган вақт мобайнида қандли диабет билан оғриган беморлар дардида даво топиш, бўлимини замонавий тиббий жиҳоз-лар билан таъминлаш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. — дейди ушбу бўлим мудири Тельман Камалов. — Бўлимда асосан қандли диабетнинг асорати, диабет тўпик синдроми билан оғриган беморлар довола-нишдади. Бу ерда нафақат шахримиз, балки республика-мизнинг турли вилоятларидан келган беморлар ўз дард-ларига даво топишди. Мақсадимиз халқимиз саломатли-гини асраш, беморлар дардида малҳам бўлиш.

Халқ саломатлигини сақлашдек шарафли ва хайрли ишга меҳр қўйиб, ўз касбини улуғлаган, касбига садоқат билан




ёндошган Тельман Камалов сингари қўли энгил, сўзи ши-рин шифокорлар орамизда яна ҳам кўпайишини ният қи-лимиз. Zero хайтнинг мазмуни ҳам эзулиларига кўл уриб я-шаш, инсонлар дардида малҳам бўлишдан иборат.

Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТДА: тиббиёт фанлари номзоди Тельман Ка-малов навбатдаги жаррохлик операциясига ҳозир-лик кўрмоқда

САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК



Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жой-лашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуаси-да қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғри-сида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун хамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Zero, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонларарлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келатган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қури-лиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Уйлаймики, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб топшилади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешадарга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСИМОМ) ЖАМО-АТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РА-КАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

СТИР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

СОҲИБҚИРОН ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ТАСАРРУФИДАГИ СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИДА «СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ — МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ» МАВЗУИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур академия ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқаро Амир Темур жа-мғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тад-бирда академия профессор-ўқитувчилари, талаба-лар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иш-тирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, халқаро Амир Те-мур жамғармасининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзув-чиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ва бошқалар мамлакатимизда Юртбоши-миз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кадр-иятларимизни тиклаш ва авайлаб-асраш, ёшлари-миз шуғурига улғу аждрларимизнинг бой маъна-вий меросини чуқур сингдириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкид-лади.

Қизгин савол-жавобларга бой бўлган тадбирда таниқли санъаткорлар томонидан Амир Темур ва те-мурий шаҳзодаларга бағишланган саҳна кўри-нишлари ижро этилди.

(ЎЗА)

МАКТАБДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДАГИ 25-МАХСУС МЕҲНАТ ТАБЛИМИ МАКТАБИДА «НАВРЎЗ» БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «БАЛЛИ, ҚИЗЛАР» КЎРИК ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.

Танловда 8-9-синфнинг етти нафар энг зукко ўкувчи қизлари билимдонлик, пазандалик, тикув-чилик, зардўзлик борасидаги билимларини си-нашди. Томошабинларда айниқса, зардўзлик, тайёр либосларни мунчоқ билан безаш, пазан-далик борасидаги қизларнинг маҳорати катта таассурот қолдирди. Қизларнинг бу даражага эришишларида албатта мактабнинг фидойий ўқитувчилари Ш.Убайдуллаева, Д.Муҳаммадалиева, Н.Стенькина ва Н.Татаренколарнинг хизматлари каттадир. Улар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, лапарлар, замонавий рақслар байра-ми янада жонлантириб юборди.

Уш кунни мактаб ўқувчилари учун байрам дастурхони ёзилди. Тошкент Давлат педагогика уни-верситети филология факультети талабалари, шунингдек, Яккасарой тумани ҳокимияти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими то-монидан болажонларга совғалар улашилди.

Мазкур ўқув муассасаси 1995 йили ташкил этилган бўлиб, ҳозирда бу ерда 156 нафар ақли заиф болалар тарбияланади.

Мадина ҚУРБОНБЕКОВА,
«Туркистон-пресс»

СПОРТ МАЖМУАЛАРИ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

ПОЙТАХТДАГИ ЁШЛИК ТАЛАБАЛАР ШАҲАРАСИДА МОЛИЯ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ ОЛАётган ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯНГИ СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИ ИШГА ТУШДИ.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан фойдаланишга топширилган замонавий спорт ин-шооти Тошкент Давлат молия институти талаба-лари учун муносиб совға бўлди. Барпо этилган спорт саройи ўз ичига энгил атлетика, футбол, волейбол, стол теннисни майдончаларини бirlаштирган. Энг асосийси мажмуада талабалар бўш вақтларини унумли ўтказишлари, соғлиқларини тиклашлари ҳамда спортнинг маълум турлари билан мукаммал шуғулланишлари учун барча қўлайликлар яратил-ган.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

«ИЛИК УЗИЛДИ»ДА ДАРМОН БЎЛАДИ

МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХИ БОР, БУТУН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МИЛЛИОНЛАБ ХАЛҚЛАРИ ТОМОНИДАН САБРСИЗЛИК БИЛАН КУТИЛГАН БАҲОР ВА ЯШАРИШ БАЙРАМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ ЎЛКАМИЗДА КЕЗМОҚДА.

Баҳор фаслида табиатда со-дир бўладиган ўзгаришлар ўз на-вбатида инсон организмга ҳам таъсир кўрсатиши табиийдир. Шунинг учун бўлса керак, айни кез-ларда турли ёшдаги кишиларнинг «ухлаб уйкуга тўймайман», «иш қилмасам ҳам чарчаб қоляпман», «хеч қандай сабабсиз тинкам қурийдим», «иш унмайди» каби сўзларини эшитамиз. Ушбу давр-га келганда кенг аҳоли ўртасида турли хил шамоллашлар, вирусли касалликлар, томоқнинг ялғилан-ниши — ангина каби хасталиклар кайд қилинади. Буни халқимиз «илик узилди» деб атайдди. Биз-нинг ҳам, мана шундай кўнгилсиз ҳолатнинг келиб чиқишига бир то-мондан баҳор фаслида кузатила-диган табиатдаги кескин ўзгариш-лар сабаб бўлса, иккинчидан, ин-сон истеъмол қиладиган сабзавот-лар ва мевалар таркибиде вита-минларнинг камайиб кетиши ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Баҳорги қувватсизликка қарши ҳозирги кунда плёнкалар остида ёки иссиқ-хоналарда етиштирилган турли хил ошқўқлардан, она табиат Нав-рўзга туҳфа қилиб етказган ёввойи ошқўқлардан — ялғиз, жағ-жағ, кийик ўти, отқулоқ, исмалок, семизўтлар ва турли хил салатлар-дан кўк сонсалар, чучваралар ва мантлар, хомисн каби таомлар тай-ёрлаш мақсадга мувофиқдир. Улар таркибиде саломатлик учун жуда зарур бўлган турли хил витамин-лар, микроэлементлар, биологик фаол моддалар кўп. Айниқса, ас-

корбин кислотасига, витамин В1, В-PP, P, K ва каротинларга бой-дир.

Ёввойи ҳолда кенг тарқалган фойдали ошқўқлар ўз таркибидеги витаминлар микдори ва сифати жиҳатидан маданий ошқўқлардан қолшимайди. Кузатишлардан шу нарсга ойдинлашадикки, эрта баҳор-даги паст ҳарорат, юқори намлик, нисбатан тоза ҳаво, ёввойи ошқў-қлар таркибидеги одам организмни учун зарур витаминларнинг кўп йи-гилишига сабаб бўлар экан. Кези келганда яна шу нарсани айтиш керакки, кўпчилик ошқўқлар тарки-бидеги аскорбин кислотасининг микдори эрта тонгдан то тушга қадар ортиб бориб, сўнгра камар экан.

Шу билан бирга организмнинг турли хил касалликларга қурашиш қобилиятини оширувчи, кўзинг кўриш қобилиятини яхшиловчи кар-отин моддаси айниқса, куннинг иккинчи ярмида кўпроқ жам бўлар экан. Чунки бунда қуёш нурунинг таъсири катта бўлади. Ошқўқлар қанчалик майда қилиб тўрталса, ёр билан биргаликда пиширсангиз, улардаги каротин яхши ажралиб кўпроқ фойда келтиришини унут-манг. Ошқўқларни илжи борича озода бўлган, автомобиль, поезд йўллари ва саноат корхоналаридан узоқроқ жойлардан теришга ало-ҳида эътибор беринг, акс ҳолда улар фойда ўрнига зарар келтири-ши мумкин.

Наврўзда жойларда онахона-римиз томонидан кўпчилик ишти-рокида тайёрланадиган сумалак қувват дорининг ўзгинаси десак му-болага бўлмайди. Унинг таркиби-да жуда ҳам фойдали Е витамини мавжуд.

Абдувахоб ТОХИРИЙ,
Тошкент Давлат аграр уни-верситети «Соғлом турмуш тарзи» кафедрасининг катта ўқитувчиси

БАВОСИЛГА КАСАЛЛИГИ АЗИЯТЛИ, НОХУШ ДАРДЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. У ТЎҒРИ ИЧАК ҲАМДА ОРҚА ЧИКАРУВ ЙЎЛИ КЎКТОМИР-ВЕНАЛАРИНИНГ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИ БИЛАН ТАЪРИФ ЭТИЛАДИ. БАВОСИЛГА ЧАЛИНГАН БЕМОРНИНГ ТЎҒРИ ИЧАГИНИНГ ТАШҚАРИ КУНГУРАСИ ЯЛЛИГЛАНАДИ, САЛҚИБ ШИШИНҚИРАЙДИ, ҚОН БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ МАРОМИ БУЗИЛАДИ, ИЧАК ДЕВОРЛАРИ НАФСЛАШАДИ, АЙРИМ ВАҚТЛАРДА ЧЕТЛАРИ ЁРИЛАДИ, ҚОН, МОДДА СЎЗИБ ОКИШИ КУЗАТИЛАДИ. ҲИЖАТ УШАТИШ АЗИЯТЛИ БЎЛАДИ, БЕМОРНИНГ ҲАРОРАТИ КЎТАРИЛАДИ.

Тиббиётда бавосилнинг ички ва ташқи тугунлари қайд этила-ди. Мабодо бавосил ўз вақтида даволанмайдиган бўлса, унда ка-саллик сурункали тусга ўтиб ке-тиб, асорати янада ёмон бўлган дардларга илаштириб қўйиши мумкин. Сурункали бавосил одатда кўп ўтириб ишлайдиган, қўнимли иш билан муомала қилмайдиган кишиларда учрайди. Яъни автоулоқ ҳайдовчилари, ҳисобчилар, касиблар, тикувчи-лар, хомилали аёлларда кўпроқ кузатилади, шунингдек, юк кўта-рилганда ичак ва кичик чаноқ кўк томиларида қон димлани-шига йўлиқиш ҳам мумкин. Ба-восилга йўлиқишда кўпгина омиллар сабаб бўлиши туфай-ли, унинг бошланғичининг илк даврларида мутахассис шифо-кор—парапроктологга мурожаат этиладиган бўлса, нохуш дард-нинг олдинги олиб «болалаб» кет-маслигига ёрдам беради. Қуйи-да бавосилга даволик қиландиган, бу хасталикдан муҳофазаланти-рувчи оддий сигналган амаллар хусусида маълумотлар беримиз.

Бавосилни келтириб чиқара-диган омиллардан бири ички кабзиятга учрамаслик лозим. Шунингдек, кучаниб ҳожатлан-маслик дардор. Оресталик амал-ларига итоат этиш, таҳоратни қанда қилмаслик дарддан озор-ланмаслик амалларидир. Қабзи-ятдан холи этувчи воситаларга қадимдан синалиб келган «Мак-каи сано»дан фойдаланиш ҳисоб-ланади. Ҳозирда дорихоналар бисотида санонинг бир қатор кўринишлари мавжуд. Жумладан «Маккаи сано барглари» («Алек-сандрийский лист»), «Маккаи сано уруғлари» («Семена Александ-ровского листа»), шунингдек, са-нодан саноат миксиде тайёрлаб чиқарилаётган «Сенадексин», «Сенаде» препаратларидан ўз ўрнида фойдаланиш ижобий на-тижа беради.

Шифокор маслаҳати ДАРДНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИГАН АМАЛЛАР

Қабзиятга учрамаслик лозим. Шунингдек, кучаниб ҳожатлан-маслик дардор. Оресталик амал-ларига итоат этиш, таҳоратни қанда қилмаслик дарддан озор-ланмаслик амалларидир. Қабзи-ятдан холи этувчи воситаларга қадимдан синалиб келган «Мак-каи сано»дан фойдаланиш ҳисоб-ланади. Ҳозирда дорихоналар бисотида санонинг бир қатор кўринишлари мавжуд. Жумладан «Маккаи сано барглари» («Алек-сандрийский лист»), «Маккаи сано уруғлари» («Семена Александ-ровского листа»), шунингдек, са-нодан саноат миксиде тайёрлаб чиқарилаётган «Сенадексин», «Сенаде» препаратларидан ўз ўрнида фойдаланиш ижобий на-тижа беради.

Қабзиятга мойиллик яратмас-лик мақсадида табиат неъматла-ридан бўлмиш ўрик, унинг тур-шаги, баргагидан истеъмол этиш ички маромиде ушлаб туришга ёрдам беради. Бу борада маз-кур неъматлар асосида чули, ивита тайёрлаб ичми анчагина самарали ҳисобланади. Бошқа сурги дорилар дардини зўрайти-риб юбориши мумкин.

●Бавосилга мойиллиги бўлган, ё шу дард билан хасталанган бе-морлар зирворлардан мурч, га-римдори, хантал (горчица), сир-калардан фойдаланмаслиги керак.

●Бавосилга этилиб пишмаган меваларни, довулча, шовул ис-теъмол қилиниши, шунингдек, дуккакли ўсимликлардан тайёр-ланган таомлар, қарам, жавдари нон қабилардан тамадди этиш ҳам лозим қўрилайди.

●Бавосилга суюқ хамир таом-лар, қокланган, суви қочган нон-лар пором келади, гўштлар эзилма, қийма кўринишда бўлганлиги яхши. Бу борада

балиқ истеъмол қилиниши ҳам маълум даражада фойдадан холи бўлмайди.

●Бавосилга ботимли ҳисобла-нувчи махсулотларга гуруч, кар-тошка ва асил асаларни ҳам ки-ритиш мумкин.

●Мабодо тўғри ичак гарди-шидан шокила шишлар чиқиб, бўкиб туриб, кишини азият-лайдиган бўлса, унда қизилча лавлагиси ёхуд сўрқилдоқ му-шак мизройи сабзларнинг шарбатига намланган матони қўйиладиган бўлса, тугунчалар-ни ичга тортилишига ёрдам беради. Бу сабзавотларнинг нафақат шарбати, балки кирг-ичдан ўтказилгани ҳам даво бўлади.

●Бавосилни даволашда бош пиёзнинг шарбатидан фойдала-ниш ҳам ижобий натижа бера-ди. Бунинг учун янги пиёзнинг шарбати олиниб, ундан ош қошига кунига 4 маҳал ичиб туриш тавсия этилади. Бу бора-да одамнинг истеъмолида янги пиёзни, киргичдан ўтказилган сабзини, сархил олма, узумлар-ни истеъмол қилиб туриш (огриқни маълум даражада ка-майтиради), пўстларидан холи этилган саримсоқ поначасини ёки унинг бўлагини ютиш касал-лик исканжасига йўл қўймайди. Чунки саримсоқ бўлаги ошқозон-ичак йўлида бутунлай сингиб кетмасдан, озор топган ичакни қуйдиради, нажас билан чиқиб кетади.

●Бавосилга мубало бўлган беморлар катик зардобидан эрта наҳорда 1-2 стакандан ичиб ту-риш тавсия этилади. Бундай амал дарддан енгиллашишга омил бўлади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Ўликни биров нутқи этса тирик, Агар ҳақдур ул нукта, бордур ирик. Ҳақ сўз ўликни тирилтирса ҳам, қаттиқ тегади. Ўқларинг кўнглимга тушгач, куйди ҳам кўз, ҳам бадан, Ким қуяр ҳўлу қуруғ, чун найситонга тушди ўт. Қамишзорга ўт тушса, ҳўл ва қуруқ баробар ёнгандек, кўнглимга тушган ўтиндан ҳаммаёғим — кўз ҳам, бадан ҳам қуяди.

Ўт сақраса, тифл эмас хабардор. Ким хирқатида на навъ асар бор? Ўт учқунининг куйдиришини ёш болалар англамайдилар. Ўз ерида юз туман, ар бир дирам, Базл ишида тенг кўрар аҳли карам.

Ўз камалидин демас аҳли камол, Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол. Етук одамлар ўзларининг етуклик сифатларини сўзлаб мақтанмайдилар. Бу хусусият камчилики кишиларнинг ишидир.

Ўтган йигитлик орзу билан қайтмас. * * *

Ўғри бош экгач куйи, бордур далили эътироф.

Ўғрининг бошини куйи солиши ўз гуноҳини бўйнига олганига далилдир.

Ўтқандин шиква қилса бўлмас, Ҳар негаки, ўтти, етса бўлмас. Ўтгандан шикоят қилиш бефойда, чунки нима-ки ўтган бўлса, унга етиб бўлмайди.

Ўтдин исимурғача овуч оч, Куйдурғудек англасанг, кейин қоч. То исингунча ўтга қўлингни тут, куйдираётганини сездингми, аста қоч.

Ўзунг ўз сиррингни асрай олмагонингни билурсен, яна биров ани фош этса, айб ҳам қилурсен. * * *

Ўзунг асрардин агар санга малолдур, яна биров ани асрамоқ маҳолдур. * * *

Ўз маҳзанингни очсанг ва маҳфий дурларингни сочсанг, терган киши сепамай нетгай ва асра деб мунобага қилгонинг не ерга етгай? Ўзинг ҳазинангни очиб, яширин дурларингни сочсанг, уни териб олган киши сочмай нима қилсин ва асра деб илтимос қилганинг не ерга етсин?

Ўтқа тушуб, пок бўлур кимки гаш, Покрак ўлгай ўт аро покваш. Ўтга тушса, ифлос нарса пок бўлади, пок нарса янада пок бўлади.

Ўқки, туз ўлди таярони анинг, Бўлса ер эгри, не эиёни анинг. Тўғри учадиган ўқа ер эгри бўлса-да, эиёни йўқ. Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур. * * *

Ўткан рўзгор адамдур, келмагандин сўз айткан аҳли надамдур ва ҳол муғтанамдур. Ўтган умр ортига қайтмайди. бас, ундан сўз очиб афсус-надоматдан бошқа нарса эмас ва ўтаётган дам ганиматдир.

Ўз вужудинга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил. Қачон сочса тупроққа бугдой бирав, Йўқ имконки, ул арпа қилгай дарав. Бугдой эккан киши арпа ўрмайди. Катрага чун тарбият этди садаф, Эл бошига чикқуча топти шараф.

Садаф бир томчини тарбия қилгач, тарбия натижасида у томчи одамларнинг бошларига кўтарилиш даражасига етди.

Қасд ила ёлгон демади ростгўй, Чин демади саяй ила қаззобхўй. Ростгўй (чин сўзловчи) атайлаб ёлгон гапирмайди, ёлгончи ҳар қанча уринса ҳам, рост гапиролмайди.

Қатик кўнглунгдин оқди халқ ёши, Ки ёмгур боисидур жола тоши. Раҳмсизлик билан халқ кўз ёшини оқизма. Кўп ёмғир дўлга айланиши мумкин.

Қилди булут ашки била дур нисор, Бўлди чоқин кулгисидин хоксор. Булутнинг ҳосили дурга айланиши, унинг меҳнати натижаси бўлса, чақмоқ шаклилаб кулгани учун ер остига кирди.

Қилмади минг душманни кинаҳах ўқи, Ул яраким, айлади биро оҳ ўқи. Куйган кишининг аламли оҳларининг ўқи шунча ўтқирким, бир оҳ ўқининг қилган ярасини энг ёмон душманнинг минг ўқи ҳам қилолмайди.

Қуяр ассор ўйи чун эгри гомини Йўл этмас қатъ туз айлаб хиромин.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ХАЛҚИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ ҲАМ БУЮК БЎЛАДИ. БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ДАМЛАРИДАНОҚ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА, БИНОБАРИН БУ БОРАДА МУҲИМ ЎРНИ ТУТУВЧИ ОММАВИЙ ВА КАТТА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДАВЛАТ МИКЁСИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА. ЖОЙЛАРДА МУҲТАШАМ СПОРТ КОМПЛЕКСЛАРИ, СТАДИОНЛАР БУНЁД ЭТИЛМОҚДА. АЙНИҚСА МИЛЛИОНЛАР ҲАМ БУ БУНЁД ИШЛАРИ ТАРАҚҚИЙ ЭТИРИШ, БОЛАЛАР ФУТБОЛИДАН БОШЛАБ ПРОФЕССИОНАЛ КЛУБЛАР ВА ТЕРМА ЖАМОАЛАР ДАРАЖАСИДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҲАМ ТИЗИМ ЯРАТИШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАБ ҲАМ ҲАМ БУ БОРАДА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 1 МАЙДАГИ «ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ ЎРНИ КАТТА БЎЛДИ. БИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИ ЖАҲОНГИР МАҲМУДОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ҲАМ ЮҚОРИДАГИ ҚАРОР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЖАМҒАРМАНИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ, АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАРИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАРИ ХУСУСИДА БЎЛДИ.

— Жаҳонгир Воҳидович, Президентимиз Қарорлари билан Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилганига ҳам олти ойдан ошиб қолди. Демак, дастлабки ҳулосаларни чиқарса бўлади. Янги жамғарманнинг мақсад ва вазифалари хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало, республикамиз раҳбариятининг мамлакатимизда спортни, жумладан футболни ривожлантириш, ёшлар камолотига кўрсатган эътиборини эътироф этиш керак. Шундай жиддий эътиборнинг меваси ўлароқ бизнинг жамғарма ҳам Ўзбекистон Футбол федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда профессионал футбол клублари томонидан ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг октябрдан ўз фаолиятини бошлади. Тез орада жамғарма ҳисобига маблағ туша бошлади. Шу ўринда жамғармаимизни моддий томондан қўллаб-қувватлашда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтегаз», «Ўзбекэнерго», «Ўзбекинвест» компаниялари, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияларининг салмоқли маддадини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Таъсисчилар томонидан шунингдек, жамғарманнинг Васийлик Кенгаши ҳам тузилди. Мамлакатимиздаги оммавий ва профессионал футболни ривожлантириш, профессионал футбол клубларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, жамоалардаги ўзини кўрсатган иқтидорли футболчиларни моддий рағбатлантириш тизимини яратиш, талантли ёшларни футболга жалб этиш, тажриба алмашиш ва футболчилар, юртимиз ҳакамлари ва мураббийларининг профессионал маҳоратини ошириш борасида хорижий футбол клублари ҳамда федерациялар билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, юқори даражадаги футболчилар ва спорт захирасини тайёрлашнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш юзасидан илмий-методик тадқиқотларни амалга оширишга ёрдам бериш жамғарманнинг асосий мақсад ва вазифалари қаторига қиради.


Бундан ташқари мамлакатимиз футболни ривожлантириш учун маҳаллий ва хорижий ҳомийлар, манфаатдор корхона ва жамоат ташкилотларини ҳамкорликка жалб этиш, Ўзбекистон Футбол федерацияси билан ҳамкорликни оммавий футбол ва спорт ҳаракати, профессионал футбол ҳамда Олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва тарбия этиш, футбол клублари ва уюшмаларига, шунингдек, футбол ва спорт хаваскорлари ҳамда фахрийлари бирлашмалари, ногирон спортчиларга ёрдам кўрсатиш, иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, футбол-спорт индустриясида янги технологиялар соҳасидаги ишланмаларни тайёрлаш ва қўллаш, футболни ривожлантириш дастурларини тузишда қатнашиш ҳам жамғармаимиз фаолияти доирасига қиради.

— Жойларда жамғарманнинг филиалларини ташкил этиш ишлари ҳам амалга ошириляптими?

— Албатта. Вилоятларда жамғарманнинг филиалларини очиб юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда

ий, иккита чимли ва битта қипикли — жами бирта футбол майдони бунёд этилмоқда. Бу биринчи босқич вазифаси. Келгусида бу ерда

Қарор ва ижро ФУТБОЛНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНМОҚДА



Футбол федерацияси ва жамғарма ходимлари жойларга чиқиб иш олиб бормоқдалар. Жумладан, вилоят адлия ва солиқ идоралари томонидан рўйхатга олиш бўйича барча тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ва бугунги кунга келиб барча вилоятларда жамғарманнинг филиаллари рўйхатдан ўтказиб бўлинди. Ҳозирда энг муҳим йўналишлардан бири — ҳомийлар билан ишлаш ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

— Жамғарма тузилганидан сўнг дастлабки амалий ишлар нималардан иборат бўлди? Бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири — болалар футболни ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Ташкил этилган кундан бошлаб жамғармаимиз Президентимиз Қарорига белгилаб қўйилган ва ўз Низомида кўзда тутилгандек, республикада болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантиришнинг янги инфратузилмасини ҳаётга татиқ эти бошлади. Чунинчи, Тошкент шаҳрида кўпчилик иқтидорли футболчилар етишиб чиққан даргоҳ — Чигатой футбол мактаби бор. Илгари у Республика Олимпия заҳиралари коллежига тегишли бўлса, Қарордан сўнг Республика Футбол федерацияси тасарруфига ўтди. Ҳозирда жамғарманнинг саъй-ҳаракатлари билан анчадан буюн ташландиқ ҳолга келиб қолган Чигатой базасида тўлиқ таъмирлаш-тиклаш ишлари кетмоқда. Яъни бу ерда битта сунъ-

миллий терма жамоаларимиз жойлашадиган меҳмонхона ҳам қурилади, кенг қўламлидаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Бу мажмуа футбол бўйича республика Олий спорт маҳорати мактаби сифатида фаолият кўрсатади. Яъни ушбу замонавий мактаб ўсмирлардан тортиб аёллар жамоасигача бўлган барча мамлакат терма жамоалари шугулланадиган ягона базага айланади. Жамғармаимиз республика Олий спорт маҳорати мактабининг қурилиши юзасидан барча сарф-ҳаражатларни ўз зиммасига олди. Тўлалигича ушбу иншоотдаги бунёдкорлик ишларини Мустақиллигимиз байрамигача яқунлаш режалаштирилган.

Албатта, болалар футболни ривожлантириш давлатимизнинг доимо диққат марказида туради. Жумладан, яқинда болалар футбол бўйича ҳўкumatимиз қарор қабул қилди. Болалар ва ўсмирлар футболни янада ривожлантириш, ўзбек чарм тўп усталарининг янги давлатимизнинг доимо диққат марказида туриди. Шунингдек, Ўзбекистондаги футбол бўйича ҳўкumatимиз қарор қабул қилди. Болалар ва ўсмирлар футболни янада ривожлантириш, ўзбек чарм тўп усталарининг янги давлатимизнинг доимо диққат марказида туриди. Шунингдек, Ўзбекистондаги футбол бўйича ҳўкumatимиз қарор қабул қилди. Болалар ва ўсмирлар футболни янада ривожлантириш, ўзбек чарм тўп усталарининг янги давлатимизнинг доимо диққат марказида туриди. Шунингдек, Ўзбекистондаги футбол бўйича ҳўкumatимиз қарор қабул қилди.

Ёш мураббийлар мактаби ташкил этилди

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ҚОШИДА «ЁШ МУРАББИЙЛАР МАКТАБИ» ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА 15 НАФАР ЁШ ПЕДАГОГЛАР ТАҲСИЛ ОЛМОҚДА.

Бугунги кун ўқитувчиси замонавий ўқитиш усулларини чўқур билиши, илгор фан-техника ютуқларини ўзлаштириши лозим. Мазкур мактаб ҳам ёш мутахассисларнинг етук мураббий бўлишини таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Кейинги йилларда республикамизда мактаб таълимини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

мактабгача таълим муассасаларига ёшларни янада кенгроқ жалб қилиш, ёшларни тарбиялашда ёш педагоглардан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Ёш мураббийлар мактаби дастури доирасида Чилонзор тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида очик эшиклар кўни ва очик дарслар ташкил этилмоқда.

Келгусида мактабга тумандаги барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган ёш мутахассисларни жалб этиш режалаштирилган. Таҳсил давомида ёш мураббийлар ўзаро фикр алмашиш, устозларнинг иш тажрибаларини ўрганиши. Бу ўз натижасида ёш авлодни тарбиялашда маъсулиятли ишда муҳим аҳамият касб этади. Алоуддин ҒАҒФОРОВ, «Туркистон-пресс»

Мунажжим башорати

Бошлаган ишингизни давом эттиринг

12 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА КҮЁШ ТАҚВИМИНИНГ 23-КУНИ МУҲИМ ИЖТИМОЙ ТАДБИРЛАРДА, ЮРИДИК ҲУҲ-ЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДА ОМАД ЕР БЎЛИШИДАН ДАРАК БЕРАДИ. ЛЕКИН КИЙИМ-КЕЧАК, ПОЙАБЗАЛ ВА РЎЗГОР АШЕЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН БУГУНГИ КҮН ТЎРРИ КЕЛМАЙДИ: БУГҮН СОТИБ ОЛИНГАН НАРСАЛАР ТЕЗ ЭСКИРИБ, ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛИШИ СИНАЛГАН.

Бугун кўпроқ ҳолироқ қолиб, осойишта дам олган маъқул. Бирон-бир янги ишга қўл урманг, яхшиши — бошлаб қўйган ишларингизни ниҳоясига етказишга ҳаракат қилинг. Чангдан аксириб юбориш бугун алдов ва чалғитишлардан огоҳлантирувчи ноҳушлик аломати ҳисобланади. Тугма йўқотиш эса, барча ноқерак ортиқча нарсалардан халос бўли-

шингизни билдирувчи яхшилик белгисидир.

БУГҮН: — анчадан бери режалаштириб қўйган саёҳатга, ўзингизга яхши таниш йўналишда сафарга чиқишингиз; — яхшилаб ҳордиқ чиқариб, уйқуга тўйиб олиш; — кундалик ишлар билан банд бўлиш; — ўзингизни камтар тутиб, жамоадан ажралмаслик; — хотиржам меҳнат қилиш тавсия этилади.

Ҳар қандай жиддий хатти-ҳаракатлардан, заруратсиз бошиқлар билан мулоқотда бўлишдан, худбинлигингизни намоён этишдан, саломатлигингизга бепарво бўлишдан ўзингизни асранг. Қора рангдан бошқа ҳар қандай тусли либосларни кийишингиз мумкин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«Munitsipal Aukcion Markazi» Сизларни 2007 йил 15, 22, 29 май ва 5, 12, 19, 26 июнь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳўкumat судининг қарорига асосан банкрот деб топилган «Mississippi» ҚҚга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Г.Мавлянов (Эзгулик 1-тор) кўчаси, 20- уйда жойлашган, умумий майдони 0,27 га бўлган Соғломлаштириш маркази бино ва иншоотлари қўйлади. Бошлангич баҳоиси 900 853 920 сўм.

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Жараиқ кўчасида жойлашган Савдо растаси қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,0216 га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи қўйилади. Бошлангич баҳоиси 3 699 687 сўм.

Шунингдек, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Дўстлик кўчасида жойлашган Савдо-маиший хизмат ва умумовқатланиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,06 га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқининг аукцион савдоси 17, 24 апрель ва 1, 8, 15, 22, 29 май кунлари соат 15.00 да давом эттирилади. Бошлангич баҳоиси — 5 595 324 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдодо қатнашиш истагини билдирган талабдорлар ер участкалари узоқ муддатли ижара ҳуқуқи бўйича ер участкасининг бошлангич нархидан 5 фоизи миқдориде, Соғломлаштириш маркази бўйича объектнинг бошлангич нархининг 10 фоизи миқдориде закалат пулини савдо ташкилотчиси «Munitsipal Aukcion Markazi» халқ банки шаҳар бўлимидаги МҒО 00821, СТИР 300053338, 2020800804555055001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани М-14, 19-уй. Телефон: 144-88-04. Гувоҳнома: № 001568-09

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г- 306

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажами — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6